

# ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

## 2- сонли ШАРТНОМАСИ

«10»январ 2022 йил

Пешкў туман

Пешку туман мактабгача таълим булими Марказлашган (бундан бўён «Истеъмолчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи рахбари **М.Абдуллоева** бир томондан "HUDUDGAZTA'MINOT" AJ (бундан бўён «Таъминотчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи рахбари **Ф.Хайдаров** томондан Ушбу шартномани куйидагилар хақида туздилар.

### Шартноманинг предмети

1.1. Ушбу шартнома бўйича «Истеъмолчи»нинг буюртманомасига мувофик тармоқлар орқали табиий газ етказиб беришни «Таъминотчи» ўз зиммасига олади. «Истеъмолчи» эса мазкур шартноманинг 1.3. бандида белгиланган табиий газ ҳажмини қабул қилиб олиш ва белгиланган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. «Таъминотчи» табиий газ етказиб беришни фақат «Истеъмолчи»да газ ўлчаш асбоблари мавжуд бўлган ҳолатда амалга оширади.

1.3. «Истеъмолчи»нинг буюртманомасига асосан 2022 йил етказиб бериладиган табиий газнинг ҳажми куб 128786.метрни, нархи,  $660 \text{ P} = \text{кгс/см}^2$  **84998760** сўми ташкил қилади\*, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан **84998760** (Сасон турт миллион туккиз юз туксон саккиз минг етти юз олтмиш) шу жумладан чораклар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарорида қўрилган истеъмолчилар бундан мустаснодир

• 1 чорак 128786 куб.м.	январ	48484	феврал 48484	март 31818
• 2 чорак куб.м.	апрел		май	июн
• 3 чорак куб.м.	июл		август	сентябр
• 4 чорак куб.м.	октябрь		ноябр	декабр

1.4. «Истеъмолчи» ойма-ой буюртманома бермаган ҳолатда, табиий газ ҳажми «Таъминотчи» томондан чоракка ажратилган газ ҳажмини ойма-ой бир хил тақсимлайди.

1.5. Табиий газни узлуксиз етказиб бериш мақсадида «Таъминотчи» томонидан истеъмол қилинган ойлик газ ҳажми 100 минг.куб.м.дан ортик «Истеъмолчи»лар учун, ойлик газ ҳажмидан келиб чиқиб ўртача кунлик ва ўртача соатлик газ ҳажми ҳисоблаб қилилади.

1.6. Ушбу шартноманинг 1.3. ва 1.4. бандларига ўзгартириш, истеъмолчининг таклифи билан мўлжалланаётган ўзгартиришлардан камида 10 кун олдин навбатдаги ой (йил чораги) учун буюртма берилган газ ҳажмлари бўйича шартномаларга киритилган ўзгартиришлар ортикча олиш деб ҳисобланмайди. ой бошланишига 10 кун қолгунча, томонларнинг келишувига асосан белгиланган тартибда киритиш мумкин. Лекин ушбу ўзгартиришлар 1 ойлик газ миқдори учун 30% дан кам булмаган фоизда олдиндан тўлов ўтказилганда амал қилади. (Бюджет ташкилотлари учун камида 15 фоиз миқдорида олдиндан тўлов ўтказилганда амал қилади.)

### 2. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. «Таъминотчи» 1.3. бандда қўрсатилган ҳажмда «Истеъмолчи»га табиий газ етказиб беради ва етказиб берилган газ учун ҳисоб-китоб нормал куб.м.да (ГОСТ 5542-87, 1,1-банди. T=20°C, P=760 мм симоб устуни,)да ҳисобланади.

2.2. «Истеъмолчи» ой мобайнида бир маромда, газ истеъмолининг ўртача кунлик меъёри чегарасида, ҳамда ушбу шартноманинг 1.3. ва 1.4. бандларида қўрсатилган ҳажмда «Таъминотчи» дан табиий газ қабул қилиб олади. Шунингдек, табиий газ етказиб берилганлиги ва қабул қилинганлиги тўғрисида ой охирида тузилган далолатномага имзо қўяди.

2.3. Газ ҳажмлари тўғрисида ҳисобот ойда топширилган ва қабул қилинган ҳужжатлар «Истеъмолчи»нинг газ ҳисоблагичи бўйича аниқланган:

- «Таъминотчи» билан «Истеъмолчи» ўртасида газ етказиб бериш ва қабул қилиш хақида тузилган техник далолатномаларда акс эттирилган маълумотларга;
- Тузатиш киритувчи (блок коррекция)сиз газ ҳисоблагичлар бўйича ушбу русумли газ ҳисоблагичлар учун истеъмолчи томонидан юритилган қайд дафтарлари (журналлар) билан тасдиқланган маълумотларга;
- Тузатиш киритувчи электрон блокли ҳисоблагичлар бўйича ҳисобот даври учун чиқарилган архив маълумотлари (распечатка) ларга асосан аниқланади.

«Истеъмолчи» балансида бўлган газ қувурларидаги ва ГТМ даги газнинг йўқолган ҳажми «Истеъмолчи» ҳисобига қарашли бўлади.

\* Изоҳ: Бюджет маблағлари бўйича йиллик харажатлар сметаси тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилгунга қадар, вақтинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва миқдорлар қўрсатилади.